

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мавланова Саидахон Умаровна

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали, (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада ёшларни маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг педагогик-психологик хусусиятлари, уларда маънавий камолот ва ватанпарварлик сифатларини шакллантиришда психологик нуқтаи назардан ёндашиш, психологик ёндашув асосида таълим ва тарбияни ташкил этиш масалари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: ватанпарварлик, педагогик-психологик хусусиятлар, психологик модел, аксиологик ёндашув, феноменологик элемент

Аннотация. В данной статье говорится о педагогико-психологических особенностях воспитания молодежи в духе духовности, воспитания и патриотизма, о психологическом подходе к формированию духовной зрелости и патриотизма, о вопросах организации воспитания и обучения на основе психологического подхода.

Ключевые слова: патриотизм, педагогико-психологические особенности, психологическая модель, аксиологический подход, феноменологический элемент

Annotation. This article talks about the pedagogical and psychological features of educating young people in the spirit of spirituality, upbringing and patriotism, about the psychological approach to the formation of spiritual maturity and patriotism, about the organization of education and training based on a psychological approach.

Keywords: patriotism, pedagogical and psychological features, psychological model, axiological approach, phenomenological element

XXI асрда халқлар ва миллатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий интеграция тобора ривожланиб боргани сари, миллий қадриятлар ўртасидаги чегараларнинг “йўқолиш” ҳолатлари кузатилгани ҳолда миллий ўзлик, тарихий шаклланган миллатга хос қадриятлар, урф-одатлар, миллий маданият ва тилни сақлаб қолишга бўлган уриниш, аждодларнинг моддий-маънавий меросини келажак авлодга бус-бутун етказиш, ёшларга ватанпарварлик ҳиссини сингдириш масалалари ижтимоий-гуманитар фанларнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб, педагогик жиҳатдан ўқитиш ҳамда психологик ёндашув асосида таълим ва тарбияни ташкил этиш муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий омилларни барқарорлаштирадиган миллий-маданий қадриятлар ҳар бир даврда шу заминда яшаётган миллатнинг онги, дунёқараши ҳамда узоқ тарихий ривожланишга эга бўлган ҳаётий тажрибаларидан далолат беради. Бу тажрибалар асосида ёшларни миллий ва

умуминсоний қадриятлар негизда тарбиялаш ҳамда уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш, миллий онг ва маънавий юксалиш механизмининг ижтимоий функциялари қарор топтирилгандир. Таъкидлаш лозимки, бу механизм бир марталик бўлмасдан, йиллар ва асрлар давомида мукамаллаштирилиб, миллий менталитетга хос бўлган онг ва тафаккур маҳсули бўлган сифатларнинг мавқе ва мақомини ўзида сақлаб қолган ҳолда аждодлардан авлодларга трансформация қилинадиган буюк ва масъулиятли жараёндир.

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, бунги кунда жамиятимиз таълим тизимининг асосий вазифаси, миллий ўз-ўзини англаш механизмларини шакллантириш, умуминсоний қадриятлар тизимини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнини замонавий педагогик-психологик моделини яратиш зарур бўлиб, у ёшларни маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда устуворликни сақлаб қолиши талаб этилади.

Ёшларни маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик-психологик моделини яратишда аксиологик, феноменологик ва услубийликни ҳисобга олиш ва унинг асосий элементларини замонавий нуқтаи назардан мувофиқлаштириш масалаларига эътибор қаратиш лозим.

Адабиётлар таҳлилига кўра, шахснинг маънавий камолоти ва маданий юксалиши ҳамда ватанпарварлик туйғуси умуминсоний ва ахлоқий масала ҳисобланиб, тарихий ривожланиш босқичига эга бўлган ижтимоий қадриятлар тизимига мансуб тушунчадир. Бу, энг аввало, онгли фаолият турига мансубликни таъкидлаб, ҳар бир шахснинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш, манфаатдорлик туйғусини қарор топтириш, табиийликдан ижтимоийликка айланган эҳтиёжларининг ҳиссий туйғу билан алмашилиши, ўз яшаш жойларини турли босқин ва бегоналардан ҳимоя қилиш истаги бўлиб, узок тарихий тажриба натижасида шаклланган, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ижтимоий онг маҳсулидир.

Аксиологик ёндашувда нутқнинг ҳар бир элементи ўзида инсон ҳаётининг йўналиши ва мотивациясини белгилаб берувчи қадриятлар мажмуини ўзида мужассам этувчи омилларни сингдирган ҳолда, ёшларни маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган таълим-тарбия жараёнини педагогик-психологик концептуал жиҳатлари уйғунлигини таъминлаган ҳолда ривожлантириш назарда тутилади. Аксиологик ёндашув ёшларни маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳиссий таркибий қисмини очишга имкон беради.

Ёшларни маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг педагогик-психологик моделида феноменологик элемент муҳим устуворлик касб этиб, мақсадлилиқ, руҳий барқарорлик, қатъиятлилик, жумардлик каби инсонийлик сифатларини шакллантиришга хизмат қилади. Бу жараён таълим тизимининг ажралмас қисмига айланиши асосида мақсад қилинган ҳар

қандай ахлоқий тарбия негизларини сингдиришга қаратилган ёндашувлар мазмунини белгилаб, самарадорлигини оширади.

Ёшлар хулқ-атворининг маънавий-ахлоқий ривожланишидаги камчиликлари, маълум формадан оғиш ва жамият томонидан қабул қилинган ижтимоий меъёрларга мос келмаслик ҳолатлари кузатилиши табиий ҳолдир. Бу жараёнлар уларнинг руҳиятида содир бўладиган маълум ўзгаришлар натижаси ҳисобланиб, маънавий-ахлоқий хусусиятига ўзининг салбий жиҳатларни кўрсатади.

Ёшлар хулқ-атворида намоён бўладиган бу каби психологик ҳолатларни бартараф этишда психологлар, педагоглар, ота-оналар ҳамда масъул жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг ўзи самарасиз бўлиб, бунда, энг аввало, психологик-педагогик ва ташкилий-педагогик шарт-шароитларини таъминлаш тақозо этилади. Бу жараёнда болаларнинг индивидуал психологик ва ёш хусусиятларини ҳамда ахборот маконидаги фаоллиги, болага таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларнинг психологик механизмлари таҳлил этилмоғи лозим.

Педагогик таълимни такомиллаштириш ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, ёшларнинг маънавий онгини шакллантириш ва ватанпарварлик руҳини тарбиялаш жараёнига, уларнинг ўз-ўзини англаш ва ўзини намоён қилишига таъсир кўрсатиб, шахс сифатида жамиятни маънавий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларига дахлдорлик ҳиссини уйғотади.

Маънавий-ахлоқий муносабатларнинг психологик моҳияти инсоннинг ижтимоий алоқалари ва бошқа одамлар билан муносабатларини тушуниши, ўзини англаш ва шахс сифатида ўзини такомиллаштирган ҳолда жамият идеалига интилишини англатади. Жамият идеали бу ўзида ватанпарварлик сифат ва фазилатларини шакллантирган, ҳар қандай ҳолда унинг ҳимоясига шайликни ўз бурчи деб билган шахсдир.

Бугунги кунда кишилик жамияти ёшлар ва уларнинг маънавий-ахлоқий хулқи ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ кризисли даврни бошдан кечираётганлиги сир эмас. Инсоният ўз тадрижий тараққиётининг энг мураккаб даврини бошдан кечирмоқда. Сабаби, ёшларни информацион хуруж ва тарғиботлар асосида миллий ва умуминсоний ғоя ва мафкурадан оғдириш, ирода кучини сафарбар этиши лозим бўлган эътиқоддан узоқлаштириш борасида турли кучлар ўз манфаати йўлида фойдаланмоқда. Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг тарбияси билан шуғулланадиган “жонкуяр ва фидоий тарбиячилар” сони борган сари ортиб бормоқда. Улар жамиятнинг турли соҳаларида, жумладан, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, диний ва маънавий соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришларни ўз манфаатлари йўлида бузиб кўрсатиши ёки ранг-баранг ва мафтункор ҳолда ёшлар аудиториясига тақдим этиб, инсоний қадриятларни четга сурган ҳолда ўзларининг сохта ва пуч ғоя негизиде шакллантирилган “оммавий маданият”и ортидан эргаштиришга ҳаракат қилиб, бу борада психологиянинг таъсирчан механизмларидан фойдаланмоқда. Бунинг негизиде ёшларни

хаётий ориентацияси издан чиқиб, давлат ва жамиятга хизмат қилиш, бурч ва масъулият масалалари ҳақидаги қарашлар аста-секин йўқолиб, ватанпарварлик туйғусидан мосуво бўлмоқда.

Ёшларда маънавий камолот ва ватанпарварлик сифатларини шакллантиришда психологик нуқтаи назардан ёндашиши ижтимоий воқеликни англаш ва унинг моҳиятини тушунишга янги имкониятларни очиб берган ҳолда тарихий хотира билан трансформацион алоқаларни таъминлашга хизмат қилади. Бу жараён ватанпарварлик тушунчасини инсон онгида пайдо бўлиш элементларини ҳаётий зарурат асосида юзага келганлигини, инсон ўзи томонидан яратилган воқеликлар таъсир доирасига тушиб қолганлиги ҳамда ўзини асраш ғоялари атрофида англоланган фаолият турига ўтиш, ўзи яшаб турган ҳудуд ва заминга инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашиш лозимлигини тасаввурлар оламида шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги таълим ва тарбияни ташкил этишда педагогик технологияларнинг замонавий методларидан мақсадли фойдаланган ҳолда, юқорида таъкидланган илмий-назарий қарашларга мувофиқ ёшларни маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш омилларини моделлаштириш зарур бўлиб, ҳиссий замонавий дунёқараш ҳамда миллий анъана ва умуминсоний кадрларнинг идентификацияси ҳаётий заруратдир. Бу жараёнга илмий нуқтаи назардан ёндашиш миллий халқ қахрамонлари, давлат ва жамият учун ўз илми ва тафаккури билан юксак ҳисса қўшган шахслар, муҳим тарихий воқеалар жамият ёшларининг шахсий муносабатлари ривожланишида янги ижтимоий мотивацион замин бўлиб хизмат қилади.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдир ва келажак йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб қатият билан ҳаракат қилайлик// Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, - Т.: - Б.476.
3. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир// Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. Б-507-510.
4. Бозоров О. Миллий ғоя ва тарғибот самарадорлиги. Тошкент: Маънавият, 2018. Б.14-15.
5. Нуркова В.В. Свершенное продолжается: Психология автобиографической памяти М. : Изд-во Университета РАО. 2000. – С
6. Бузыкина Ю.С. Национально-психологические характеристики и проявление агрессивности у молодежи разных этнических групп / Ю.С. Бузыкина // Мир науки. – М. – 2018. – Т. 6. – №4. – С. 37.

7. Goldstein, B. (2017). A history of video in ELT. The image in English language teaching, 23-31.
8. Исраилова, М. Н. (2017). Формирование принципов устойчивого развития в обучении иностранным языкам. Международные научные исследования, (1), 161-163.
9. Исраилова, М. Н. (2016). Новые педтехнологии изучения латинского языка в медицинских вузах. Психология и педагогика: методика и проблемы практического применения, (53), 66-71.
10. Исраилова, М. Н. К ВОПРОСУ О СОВРЕМЕННОМ СОСТОЯНИИ ЛАТЫНИ. In Конференция состоялась 5 марта 2022 года на базе Ташкентского государственного стоматологического института по адресу: Республика Узбекистан, 100047, г. Ташкент, ул. Махтумкули, 103. Цель конференции–знакомство и обмен опытом в обучении и в работе с цифровыми данными, технологиями их применения в гуманитарных (р. 414).
11. Балашов, С. В., Вернер, И. В., & Бышевский, В. И. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДИК ИНТЕРАКТИВНОГО ОБУЧЕНИЯ.
12. Minakov, O. E. E., Andreev, A. A., & Ostroushko, A. P. (2017). The diabetic foot syndrome. Journal of Experimental and Clinical Surgery, 10(2), 165-172.
13. Bosiers, M., & Schneider, P. A. (Eds.). (2009). Critical limb ischemia. Informa Healthcare.
14. Svetukhin, A. M., Karlov, V. A., IuA, A., Matasov, V. M., & Blatun, L. A. (1990). General principles of the treatment of suppurative wounds and suppurative surgical diseases. Khirurgiia, (12), 79-84.
15. Лысова, Д. П., & Лысова, М. П. (2015). Малые ампутации нижних конечностей при синдроме диабетической стопы. In Бюллетень медицинских интернет-конференций (Vol. 5, No. 5, p. 853). Общество с ограниченной ответственностью «Наука и инновации».
16. Остроушко, А. П., Глухов, А. А., Андреев, А. А., Маркин, Д. А., & Лаптиёва, А. Ю. Физико-химические основы инновационных методов и технологий в лечении ран мягких тканей. ДАГЕСТАНСКОЙ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ, № 4 (41), 2021, 64.
17. Maxsudovich, K. O. CLINICAL COURSE OF PURULENT SOFT TISSUE DISEASES ON THE BACKGROUND OF DIABETES MELLITUS AND DIFFUSIVE TOXIC GOITER.
18. Рахимов, А. Я., Сагдуллаева, Г. У., & Вахидов, У. Г. (2019). МИКРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ И МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ВАРИАЦИИ КУЛЬТИ ГОЛЕНИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ ПРИ КРИТИЧЕСКОЙ ИШЕМИИ НИЖНЕЙ КОНЕЧНОСТИ. Новый день в медицине, (2), 41-46.
19. Rakhimov, A. Y., Mhsudovich, Q. O., Ulyanovna, S. G., Safoyev, B. B., Zaripovich, L. O., & Rakhimov, A. Y. (2019). Transcutaneous oximetry as

the choice of the research for determination of level of amputation of the crus at critical ishemiya of the lower extremities at patients with the diabetes mellitus. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 8(12), 120-125.

20. Mitish, V. A., Safoev, B. B., & Rakhimov, A. Y. (2019). REAMPUTATION THE CULT OF THE CRUS IN PATIENTS WITH DIABETES MELLITUS IN CRITICAL ISCHEMIA OF THE LOWER EXTREMITIES. Central Asian Journal of Pediatrics, 2(1), 230-234.
21. Митиш, В. А., Сафоев, Б. Б., & Рахимов, А. Я. РЕАМПУТАЦИЯ КУЛЬТИ ГОЛЕНИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ ПРИ КРИТИЧЕСКОЙ ИШЕМИИ НИЖНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ.